

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**АКАДЕМИК М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВ АЛИШЕР ЭСАНОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ВА
ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЎРИК НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ҲАМДА
БУТАШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ**

06.01.07 – мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on agricultural sciences**

Қаршиев Алишер Эсанович

Қашқадарё вилояти шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик
навларини танлаш ҳамда буташнинг ҳосилдорликка таъсири 3

Қаршиев Алишер Эсанович

Подбор местных и интродуцированных сортов абрикоса в условиях
Кашкадарьинской области и влияние обрезки на урожайность..... 19

Karshiyev Alisher Esanovich

Selection of local and introduced apricot varieties in the conditions of
Kashkadarya region and the effect of pruning on yield 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**АКАДЕМИК М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИЕВ АЛИШЕР ЭСАНОВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА МАҲАЛЛИЙ ВА
ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН ЎРИК НАВЛАРИНИ ТАНЛАШ ҲАМДА
БУТАШНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ**

06.01.07 – мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Qx456-рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик (PhD) Диссертацияси Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Саимназаров Юлдаш Бекмирзаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Султонов Комолитдин Садриддинович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Жўраев Эркин Бахтиярович
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори;

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 5 декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).


Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 549255-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2023 йил 23 ноябр куни тарқатилди.
(2023 йил 24 октябрдаги 73-рақамли реестр баённомаси).




Э.Т. Бердиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


М.З. Холмуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент


С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни кундан-кунга ошиб бормоқда. Мева турлари ичида ўрик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ундан кўплаб турдаги қайта ишланган ва қуритилган озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. “Дунёда ўрик маҳсулотини ишлаб чиқариш 3,9 млн. тонна бўлиб, Туркия (730 минг т), Ўзбекистон (662,1 минг т), Эрон (306,1 минг т), Жазоир (256,8 минг т), Италия (237,0 минг т), Покистон (177,7 минг т), Испания (125,3 минг т), Франция (110,8 минг т), Миср (102,3 минг т) ва Япония (92,7 минг т) еткази давлатлар ҳисобланади”¹. Дунё аҳолисининг ўрик меваси маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, экспорт ҳажмини ошириш, серҳосил, истиқболли ва мева сифати юқори навларни танлаш долзарб ҳамда зарур ҳисобланади.

Жаҳонда Туркия, Эрон, Япония, Россия, Украина ва Европа мамлакатларида серҳосил, товар хусусияти юқори навларни танлаш ҳамда етиштириш технологиясини такомиллаштириш, ўрик меваларини қайта ишлаш ва қуритиш орқали кўшимча маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, уларнинг озуқавийлик қийматини ошириш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ўрик дарахтларининг ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулдорлик даврини узайтириш бўйича тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўрик навларни танлаш ва етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ва муайян натижаларга эришилган. Бироқ Қашқадарё вилояти шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларини танлаш ҳамда буташнинг ҳосилдорликка таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказишда, айниқса, 2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага, қайта ишлаш даражасини мева-сабзавот бўйича 28 фоизга етказиш”² га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, республикамизда ўрик навлари ассортиментини кенгайтириш, серҳосил навларни танлаш ҳамда юқори сифатли меваларини етиштиришда айрим агротехнологик элементларини такомиллаштириш долзарб илмий йўналиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистонда боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 11 декабрдаги

¹ FAOSTAT

² <https://lex.uz/uz/pdfs/5841077>

ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланиши-нинг асосий устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда ўрик навларини яратишда В.М.Азма, S.Bartolini (АҚШ), морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини ўрганишда D.Bassi, L.Conte (АҚШ) ҳамда етиштириш технологиясини такомиллаштиришда К.Дай, Х.Фан, V.M.Gorina (АҚШ), шунингдек МДҲ мамлакатларда Г.С.Есян (Ереван), П.Р.Арзуманян, С.Л.Агулян, А.С.Мелконян, В.М.Микаелян, В.К.Смикова (Молдавия), Ш.А.Хабибуллин (Қозоғистон), А.Н.Веньяминов, Л.А.Долматова, Н.В.Ковалев, К.Г.Никишин Р.Г.Ноздрачёва, Л.А.Крамаренко, Ф.М.Гасымов (Россия), А.Пулатов, В.В.Кузнецовлар (Тожикистон) илмий-тадқиқотлар олиб борган.

Ўзбекистонда ўрикнинг маҳаллий навларини яратишда К.В.Васильев, Л.А.Протасевич, К.Ф.Костина, навларни танлаш ва етиштириш технологиясига оид тадқиқотлар А.В.В.Кузнецов, Н.В.Ковалев, А.С.Череватенко, М.Э.Эргашев, З.Т.Туракулов, О.К.Афанасьев, М.М.Мирзаев ва К.И.Бойметовлар томонидан бажарилган.

Бироқ, Ўзбекистонда сўнгги йилларда ўрикнинг абиотик ва биотик омилларга чидамли, серҳосил навларини танлаш ҳамда етиштиришнинг айрим агротехнологик элементларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Қашқадарё илмий-тажриба станциясида №КХА-8-110-2015-рақамли “Юқори ҳосилли, янги истикболли, маҳаллий ва четдан келтирилган мева ва узум навларини Қашқадарё вилоятида ўрганиш ва ажратиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларини қимматли хўжалик белгилари асосида истикболли навларни танлаш ҳамда бир йиллик новдани мақбул кесиш узунлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларининг қимматли хўжалик белгиларини аниқлаш;

серҳосил, эртапишар, ихчам шох-шаббали ва абиотик омилларга чидамли ўрик навларини танлаш;

Ўрик навларининг морфологик хусусиятларига бир йиллик новдани турли кесиш узунлигини таъсирини аниқлаш;

бир йиллик новдани турли кесиш узунлигида ўрик навлари маҳсулдорлигини аниқлаш;

ўрик навларини танлаш ҳамда бир йиллик новдани турли кесиш узунлигида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрикнинг Ўзбекистонда районлаштирилган “Вымпел” “Исфарақ”, “Курсадык”, “Мароканд”, “Руҳи Джуванон Миона”, “Советский”, “Субхонь”, “Юбилейный Навои”, “Гулистан” навлари ҳамда маҳаллий селекциясига мансуб 8 та ва интродукция қилинган хорижий селекциясига мансуб 11 та навларининг барглари, гуллари, шох-шаббалари ва мевалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўрик навларининг бир йиллик новдаси кесилмаган (назорат), 15 см (1/4 қисм), 30 см (1/3 қисм) ва 45 см (1/2 қисм) узунликдан кесилган новдалари ва шох-шаббалари ҳисобланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларида ўрик навларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлиги «Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур» (1999) ва “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси” (Буриев Х.Ч., ва бошқа., 2014), қурғоқчиликка чидамлик Э.А.Гончарова (1988), бир йиллик новдани ўсиш динамикаси В.Л.Витковский (1979) каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурида, 0,95% ишончилилик оралиғи билан «Методика полевого опыта» (Доспехов Б.А., 1985) дисперсион усули бўйича ҳисобланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларининг қимматли хўжалик белгилари асосида истиқболли экспортбоп “Шалах”, “Шелечко”, “Краснощекий”, қуритишбоп “Исфарақ Бадамский”, “Нурафшон”, “Мулла Садык” ва қайта ишлашга яроқли “Темурий”, “Буривестник”, “Исфарақ” ва “Мароканд” навлари ажратиб олинган; майдон бирлигида 11,1-16,6 ц/га юқори ҳосилдор – “Моника Бланка”, “Калони Кандак”, “Алишер” ва “Руҳи Джуванон Миона”; 10-15 кунга эртапишар – “Наджими”, “Шелечко”; 12,8-7,5 м³ ҳажмга ихчам шох-шаббали – “Субхонь Заря”, “Темурий”, “Мароканд”; -30-35°С ҳароратга бардошли “Мулла Садык”, “Руҳи Джуванон Миона”, “Сарвари”, қурғоқчиликка 51,6-52% чидамли “Наджими”, “Субхонь Заря” ва “Сарвари”, касаллик билан 13,3-14,7% га кам зарарланган “Наджими”, “Сарвари”, “Красный Партизан”, “Субхонь Заря”, “Руҳи Джуванон Миона” навлари эканлиги аниқланган;

ўрикнинг бир йиллик новдаси 45 см узунликда кесилганда “Салимий”, “Субхонь Заря” ва “Мароканд” навлари 9,8-2,5 м³ ҳажмдаги ихчам шох-шаббали эканлиги аниқланган;

бир йиллик новдани 30 см узунлигидан кесилганда Алишер, Моника Бланка, Руҳи Джуванон Миона, Калони Кандак, Субхонь Гигант ва Буривестник

навлари 26,5-36,6 ц/га юқори маҳсулдорликни намоён қилган;

тадқиқотлар натижасида юқори ҳосилдор навларни танлашда буталмаганда 8-10 ёшли Моника Бланка ва Калони Кандак навларида (147,1-119,9 %) бўлиб, 6-8 ёшли Алишер ва Буривестник навлари шох-шаббаларини буташда йиллик кучли ўсувчи новдасини 30 см кесиш узунлигида 180,2-127,7 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг тоғ ва тоғолди худудларида: “Моника бланка”, “Калони Кандак”, “Субхоны Гигант”, “Алишер” навлари, чўл худудида: “Наджими”, “Субхоны Заря” ва “Сарвари”, саноат плантациясида: “Шалах”, “Шелечко”, “Краснощекий” навлари асосида боғ барпо қилишда фойдаланиш мумкинлиги илмий асосланган;

энг баланд ўрик дарахтларини Исфарақ Бадамский (519,3 см), Исфарақ (497,0 см), Субхоны Гигант (494 см), бир йиллик новда 45 см узунликда кесилганда – Субхоны Гигант (523,3 см), Исфарақ Бадамский (504,3 см), Авецина (455 см), Алишер (450,3 см), паст бўйли дарахтларни Субхоны Заря (236,3 см), Темурий (272 см), Красный Партизан (282 см) шунингдек, новда 30 см кесилганда – Мароканд (259 см) ва 45 см кесилганда – Салимий (276 см) навларида аниқланган;

энг оғир мева вазни Шалах (54,0 г), Исфарақ Бадамский (54,0 г), Моника Бланка (50,9 г), Вымпел (63,1 г), Шелечко (59,5 г), Краснощекий (52,6 г) навларида, энг йирик мевани ўлчами (эни×бўйи) Исфарақ Бадамский (5,0×4,7 см), Шелечко (5,3×5,9 см) ва Вымпел (5,2×5,0 см) навларида аниқланган;

майдон бирлигидан энг юқори ҳосилдорлик Моника Бланка (64,0 ц/га), Калони Кандак (56,7 ц/га), Алишер (63,2 ц/га) ва Руҳи Джуванон Миона (52,2 ц/га), шунингдек, новдани 30 см узунликда кесилганда Алишер (89,8 ц/га), Моника Бланка (83,8 ц/га), Руҳи Джуванон Миона (73,9 ц/га), Калони Кандак (75,2 ц/га), Субхоны Гигант (73,1 ц/га) ва Буривестник (72,6 ц/га) навларида эканлиги илмий асосланган;

юқори соф даромад ва рентабелликни ўрикнинг Моника Бланка (19,0 млн. сўм; 147,1 %), Алишер (18,7 млн. сўм; 144,1 %), Руҳи Джуванон Миона (13,2 млн. сўм; 103,1 %) ва Калони Кандак (15,5 млн. сўм; 119,9 %) навларида ҳамда бир йиллик новдани 30 см узунликда кесиб етиштирилганда 28,9 млн. сўм ва 180,2 % олиш имкони мавжудлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибалари Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида ташкил этилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистика таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг илмий асосланганлиги, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан таққослангани, шунингдек, тажриба натижаларининг илмий журналларида чоп этилгани, тадқиқот натижалари сифатида истиқболли ўрик навларини Давлат синовига топширилгани, олинган самарали натижаларни

амалиётга, ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларига морфобиологик ва хўжалик нуқтаи назардан баҳо берилганлиги, улар орасидан юқори ҳосилдорлиги, абиотик омилларга (курғоқчиликка ва совуққа) чидамли навларнинг ажратилганлиги, ўрик навларининг бир йиллик кучли ўсувчи новдаларини кесишнинг мақбул узунлиги аниқланганлиги, янги истиқболли навлар ҳамда новдани кесиш узунлиги, етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги илмий асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрик навларини қимматли хўжалик белгилари, абиотик омилларга чидамли истиқболли ўрик навлари асосида боғ барпо қилиш, шунингдек, сифатли мева ва юқори ҳосил олишни таъминловчи навга хос йиллик кучли ўсувчи новдаларини кесиш агротехник тадбирини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларини танлаш ҳамда буташнинг ҳосилдорликка таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижасида:

танлаб олинган серҳосил ўрик навларининг бир йиллик новдаларини кесиш усуллари Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги “Abrayev Faxriddin” фермер хўжалигида 2,0 гектар, “Yerteppa serfayuz voha” фермер хўжалигида 5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 25 октябрдаги 02/21-21-06/1246-сонли маълумотномаси). Натижада, ҳар бир фермер хўжалигида йиллик ўсувчи новдаларни $\frac{3}{4}$ қисми кесилиб, шакл берилганда 81,5 ц/га ҳосил олинган, анъанавий кесиш усулига нисбатан бир гектар майдондан 6856,4 минг сўм соф даромад олинган ва рентабеллик 127,5 % ни ташкил этган:

танлаб олинган серҳосил ўрик навларининг бир йиллик новдаларини кесиш усуллари Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги “Bobomurod Ro‘ziyev” фермер хўжалигида 3,0 гектар, “Yerteppa fayzli bog” фермер хўжалигида 3,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 25 октябрдаги 02/21-21-06/1246-сонли маълумотномаси). Жорий қилиш натижасида, ўрик дарахтларини буташнинг нафақат ҳосилдорликка балки биотик ва абиотик омилларга чидамлилиги ошиши ҳамда дарахтнинг махсулдорлик даврининг узайишига ҳам олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши бўйича ҳисоботлар ҳар йили Академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган, ЎзР ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан 4 та хорижий журналда, республика журналларида 5 та нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг Диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Ўрик навларини танлаш ҳамда буташнинг ўрганилганлик ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хориж ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбаълари шарҳланган. Жумладан, маданий ўрикнинг келиб чиқиши ва тарқалиши, ўрик дарахтининг ривожланиш жараёнига ташқи муҳит омилларининг таъсири ҳамда дарахтларга шакл бериш ва кесиш бўйича адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш жойи шароити ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот мавзуси юзасидан дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Тадқиқотни ўтказиш дастури» бўлимида ишлаб чиқилган мавзунинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объектлари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш услублари, Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларини қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш ҳамда ўрик навларининг морфологияси ва маҳсулдорлигига новдаларни турли узунликда кесишнинг таъсирини аниқлашда фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, шунингдек тажриба маълумотларига математик ишлов бериш тартиблари баён этилган.

Диссертациянинг «**Қашқадарё вилояти тупроқ-иқлим шароитида маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларининг қимматли хўжалик белгилари**» деб номланган учинчи бобининг «**Маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларининг қимматли хўжалик белгилари**» деб номланган параграфиди ўрик навларида эрта куртак бўртиш, ғунчалаш фазаси 8-10 ёшли Моника Бланка (24/II–28/II), Шалах (27/II–6/III), Исфарак (28/II–3/III), 6-8 ёшли Шелечко (28/II–7/III) навларида аниқланиб, куртак бўртиши-тўлиқ барг чиқаришигача юқори фойдали ҳарорат йиғиндиси (ФХЙ) Моника Бланка (24/II–1/IV), Шалах (27/II–2/IV) ва Исфарак (28/II–5/IV) навларида – 581,3°C, 6-8 ёшли Курсадық (9/III–1/IV), Буривестник (2/III–2/IV), Алишер ва Сарвари

(3/III–5/IV) навларида $-581,3^{\circ}\text{C}$, аксинча, ўрикнинг бошқа навларида камрок ФҲЙ ($+499,0^{\circ}\text{C}$) ни талаб қилди.

Ўрикнинг 8-10 ёшли Наджими нави (25/V) меваси 19 кун эрта пишишганда гуллашдан мева пишишгача энг кам ФҲЙда ($1579,7^{\circ}\text{C}$), қолган навлар юқори ФҲЙ да ($+1846,0^{\circ}\text{C}$) мевалар пишганлиги аниқланди. Ўрикнинг 6-8 ёшли навларида гуллашдан мева пишишгача Советский (st) (11/III–27/V ёки 77 кун) навига нисбатан барча навлар 5-14 кун меваси кеч пишиб, ФҲЙ Советский (st) ва Шелечко – $1579,7^{\circ}\text{C}$, Мароканд ва Ширпайванд – $2125,7^{\circ}\text{C}$ ҳамда қолган навлар – $1846,0^{\circ}\text{C}$ ФҲЙни талаб қилди.

Ўрик навларида тўлиқ барг чиқаришдан-ҳазонрезгилик тугашигача 8-10 ёшли Субхоны Заря (2/IV–15/XI) – 13 кун (227 кун), Юбилейный Навои (4/IV–17/XI) ва Наджими (5/IV–17/XI) навлари – 4-5 кун (226 кун) илгари тугаганлиги аниқланди. Аксинча, ҳазонрезгиликни тугаши Моника Бланка (1/IV – 4/XII) нави – 13 кун кеч (243 кун) бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, куртак бўртиши -ҳазонрезгилик тугашигача йиллик вегетация даврида Субхоны (st) (245 кун), Субхоны Заря (248 кун), Субхоны Гигант (255 кун), Наджими (248 кун) ва Юбилейный Навои (249 кун) навларида – $5555,3^{\circ}\text{C}$, Исфарак Бадамский (252 кун), Калони Кандак (241 кун) навларида – $5619,0^{\circ}\text{C}$, Шалах (254 кун) ва Исфарак (252 кун) навларида – $5701,3^{\circ}\text{C}$ ҳамда Моника Бланка (262 кун) навида – $5761,6^{\circ}\text{C}$ ФҲЙ да тиним даврига ўтганлиги аниқланди.

Ўрикнинг 6-8 ёшли навларида тўлиқ барг чиқаришдан ҳазонрезгиликни тугашигача Алишер (5/IV–13/XI), Салимий (7/IV–15/XI), Темурий (7/IV–17/XI) навлари 3-5 кун эрта, бошқа навлар эса 2-16 кун кеч тугаганлиги аниқланди. Шунингдек, куртак бўртишидан ҳазонрезгиликни тугашигача бўлган вегетация даври Субхоны (st) (230 кун) навига нисбатан барча навларда 12-57 кун узун бўлиб, йиллик вегетация даври Субхоны (st), Алишер, Красный Партизан, Сарвари, Рухи Джуванон Миона, Темурий ва Салимий навларида – $5555,3^{\circ}\text{C}$, Шелечко нави – $5369,3^{\circ}\text{C}$, Вымпел, Мулла Садык, Ширпайванд, Мароканд, Гулистан, Курсадык, Краснощекий, Буривестник, Нурафшон ва Авецина навлари – $5679,3^{\circ}\text{C}$ ФҲЙ да тиним даврига ўтганлиги аниқланди.

“Ўрикнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навлари дарахтларининг ўлчамлари” деб номланган бўлимида ўрик навларидан энг баланд дарахтни 8-10 ёшли Исфарак Бадамский, Исфарак ва Субхоны Гигант ҳамда 6-8 ёшли Алишер, Гулистан, Курсадык, Сарвари, Буривестник, Краснощекий ва Вымпел навларида намоён бўлган бўлса, кичик дарахт баландлиги 8-10 ёшли Субхоны Заря, 6-8 ёшли Темурий, Мароканд, Красный Партизан ҳамда Ширпайванд навларида бўлганлиги аниқланди. Энг кичик баландликдаги дарахт танаси 8-10 ёшли Субхоны Заря (23,0 см), Наджими (33,3 см) ҳамда 6-8 ёшли Краснощекий (56,7 см), Нурафшон (56,7 см), Салимий (57,2 см), Гулистан (57,3 см), Авецина (58,5 см), Алишер (60,3 см) ва Мулла Садык (61,2 см) навларида, аксинча, баланд дарахт танаси 8-10 ёшли Исфарак Бадамский (57,8 см) ҳамда 6-8 ёшли Вымпел (73,4 см), Буривестник (66,1 см) ва Темурий (62,5 см) навларида бўлди. Дарахт танасини энг йўфон ўрикнинг 8-10 ёшли Моника Бланка (66,6 см), Шалах (59,4 см) ва 6-8 ёшли Курсадык (45,3 см), Нурафшон

(43,6 см), Ширпайванд (40,0 см) навларида бўлган бўлса, аксинча 8-10 ёшли Субхоны Заря (22,9 см) ҳамда 6-8 ёшли Мароканд (30,6 см), Ширпайванд (39,2 см) навларида дарахт тана диаметри ингича эканлиги аниқланди.

“Ўрикнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навлари шох-шабба ҳажми” деб номланган бўлимида энг кичик шох-шабба баландлиги 8-10 ёшли Субхоны Заря (201,3 см) ҳамда 6-8 ёшли Мароканд (229,4 см) навлари, шунингдек, энг баланд шох-шаббани 8-10 ёшли Исфарак Бадамский (461,6 см), Исфарак (449,9 см), Субхоны Гигант (449,8 см) ва Моника Бланка (431,9 см), 6-8 ёшли Курсадык (391,5 см), Алишер (387,0 см) ва Краснощекий (384,3 см) навларида аниқланди. Қатор ҳамда қатор оралиғидаги кенг шох-шаббалар 8-10 ёшли Шалах (403,7 ва 423,0 см) ва Исфарак Бадамский (318,7 ва 511,7 см) ҳамда 6-8 ёшли Курсадык (323,0 ва 404,3 см), Буривестник (304,7 ва 376,3 см) ва Гулистан (301,0 ва 375,3 см) навларида аниқланган бўлса, ихчам шох-шаббаларни 8-10 ёшли Субхоны Заря (122,0 см) ҳамда 6-8 ёшли Руҳи Джуванон Миона (162,0 см) ва Мароканд (165,0) навларида шаклланганлиги кузатилди.

Кенг шох-шабба проекцияси 8-10 ёшли Шалах (17,0 см²), Исфарак Бадамский (16,6 см²), 6-8 ёшли Курсадык (13,3 см²) Буривестник (11,6 см²), Гулистан (11,4 см²), аксинча 8-10 ёшли Исфарак (3,7 см²), Субхоны Гигант (4,1 см²) ҳамда 6-8 ёшли Мароканд (3,2 см²), Руҳи Джуванон Миона ва Темурий (4,2 см²) навларида энг кичик шох-шабба проекцияси шаклланганлиги аниқланди. Кенг шох-шабба ҳажми 8-10 ёшли Исфарак Бадамский (77,8 м³), 6-8 ёшли Курсадык (52,8 м³) ҳамда энг кичик шох-шабба ҳажми 8-10 ёшли Субхоны Заря (12,8 м³), 6-8 ёшли Мароканд (7,5 м³) навларида аниқланди.


“Ўрикнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навлари дарахларини ассимиляция сатҳи” деб номланган бўлимида ўрик навларининг бир новдасидаги сербаргликни 8-10 ёшли Юбилейный Навои нави (47,7 дона), 6-8 ёшли Вымпел (79,7 дона), Авецина (65,7 дона), Мулла Садык (56,0 дона) ва Алишер (55,0 дона) навларида, шунингдек, 8-10 ёшли Калони Кандак (35,0 дона), Субхоны Заря (33,3 дона) ва 6-8 ёшли Мароканд (21,7 дона) ва Салимий (30,0 дона) навларида барг сони энг кам эканлиги маълум бўлди. Энг катта барг сатҳи ўрикнинг 8-10 ёшли Шалах (67,0 см²), Моника Бланка (56,0 см²), 6-8 ёшли Красный Партизан (65,7 см²) навларида, аксинча, 8-10 ёшли Исфарак (28,0 см²), Субхоны Заря (30,3 см²), 6-8 ёшли Мулла Садык (20,0 см²), Алишер (23,3 см²) ва Салимий (24,7 см²) навларида барг сатҳи кичик шаклланганлиги аниқланди.

Энг сербарг дарахтни 8-10 ёшли Шалах (91,0 см²), Исфарак Бадамский (77,1 см²), Моника Бланка (74,8 см²), 6-8 ёшли Красный Партизан (63,5 см²) навлари ҳамда 8-10 ёшли Субхоны Заря нави (34,0 см²), Исфарак (44,5 см²), Юбилейный Навои (46,6 см²) ва Наджими (48,4 см²) ва 6-8 ёшли Салимий (10,6 см²) ва Темурий (11,7 см²) навларида эса сийрак баргли бўлган бўлса, бир гектардаги энг катта барг сатҳи 8-10 ёшли Шалах (30293,7 см²), Субхоны Гигант (17952,4 см²), Моника Бланка (24897,6 см²), Калони Кандак (17372,2 см²) ва Исфарак Бадамский (25684,9 см²) навларида, 6-8 ёшли Красный Партизан (21159,4 см²) ва Сарвари (13503,1 см²) навларида, ҳамда кичик барг

сатҳи 8-10 ёшли Субхоны Заря (11335,1 см²), Исфарак (14828,7 см²), Юбилейный Навои (15533,5 см²), Наджими (16129,1 см²), 6-8 ёшли Салимий (3543,8 см²) ва Темурий (3901,9 см²) навлари эканлиги аниқланди.

Ўрганилаётган ўрик навларининг 1 кг мевасига тўғри келувчи барг сатҳи 8-10 ёшли Моника Бланка (14,1 м²), Шалах (12,2 м²), 6-8 ёшли Красный Партизан (4,9 м²) ва Авецина (4,2 м²) навларида, аксинча, энг кам барг сатҳи Исфарак (3,2 м²), (3,4 м²), Субхоны Гигант (4,2 м²), Калони Кандак (4,3 м²), 6-8 ёшли Рухи Джуванон Миона ва Шелечко (1,3 м²), Алишер ва Темурий (1,1 м²) навларида эканлиги маълум бўлди.

“Ўрик навларининг мева сифати ва ҳосилдорлиги” деб номланган параграфида маҳаллий ва интродукция қилинган 2009 йилда экилган ўрик навларидан бир тупдан энг кўп мевани Калони Кандак ва Субхоны Гигант навлари, аксинча, мева сони кам Шалах ва Наджими навларида бўлганлиги маълум бўлди. Меванинг ўлчами йирик меваларни (41-60 г): Шалах, Исфарак Бадамский ва Моника Бланка навларида аниқланган бўлса, ўртачадан катта меваларни (31-40 г): Исфарак, Калони Кандак, Субхоны Гигант, Наджими, Субхоны (st), Юбилейный Навои ва Субхоны Заря навларида шаклланганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларини мева сони, вазни ва ўлчами (2017-2019 йй.) (2009 йил экилган ўрик навлари)

Энг йирик мева ўлчами Исфарак Бадамский навида, аксинча кичик мевани Субхоны Гигант навида шаклланганлиги аниқланди. Бошқа ўрик навлари Субхоны (st) навида нисбатан Калони Кандак, Моника бланка, Шалах, Наджими, Субхоны Заря, Исфарак ва Юбилейный Навои навларида мева эни×бўйи ўлчамлари катта бўлганлиги маълум бўлди.

Тўлиқ ҳосилга кирган 8-10 ёшли ўрикнинг бир тупдаги юқори ҳосил Моника Бланка нави, аксинча, энг кам ҳосил Наджими навида бўлиб, майдон бирлигидан энг юқори ҳосилдорлик Моника Бланка ва Калони Кандак ҳамда энг кам ҳосилдорлик эса Субхоны Заря, Юбилейный Навои ва Наджими навларида аниқланди (1-жавдал).

Маҳаллий ва интродукция қилинган 6-8 ёшли ўрик навларида бир тупдаги энг кўп мева Алишер ҳамда энг кам мева Вымпел навларида бўлди. Меванинг ўлчами йирик меваларни (41-60 г): Вымпел, Шелечко, Краснощекий, Нурафшон, Рухи Джуванон Миона, Сарвари, Темурий, Красный Партизан,

Алишер, Мулла Садык ва Курсадык навларида аниқланган бўлса, ўртачадан катта мевани (31-40 г): Ширпайванд, Мароканд ва Буривестник ҳамда ўртача мевани Советский (st), Авецина, Гулистан ва Салимий навларида шаклланганлиги маълум бўлди (2-жавдал).

1-жадвал

Маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навлари ҳосилдорлиги (2017-2019 йй.)
(2009 йил экилган ўрик навлари)

Навлар номи	Бир туп дарахтдан ҳосил, кг	Ҳосилдорлик, ц/га				
		2017 йил	2018 йил	2019 йил	ўртача	St навга нисбатан, %
Субхони (st)	15,9	19,3	59,2	80,2	52,9	100,0
Моника Бланка	19,2	6,9	77,5	107,5	64,0	121,0
Шалах	15,9	11,3	61,2	85,9	52,8	99,8
Исфарақ	15,7	32,3	55,9	68,9	52,4	99,1
Субхони Заря	11,9	20,6	50,2	47,6	39,5	74,7
Субхони Гигант	16,1	24,9	65,2	70,9	53,7	101,5
Наджими	10,4	17,9	39,6	45,9	34,5	65,2
Исфарақ Бадамский	15,7	20,3	65,9	70,9	52,4	99,1
Калони Кандак	17,0	22,6	68,9	78,5	56,7	107,2
Юбилейный Навои	11,9	10,3	38,6	69,5	39,5	74,7
ЭКФ _{0,5}	0,6	0,8	2,4	2,7	1,9	-
Sx %	3,8	4,1	4,2	3,7	3,8	-

2-жадвал

Маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навлари ҳосилдорлиги (2017-2019 йй.)
(2011 йил экилган ўрик навлари)

Навлар номи	Бир туп-даги мевасони, дона	Бир дона мева вазни, г	Мева эни×бўйи, см	Бир туп дарахтдан ҳосил, кг	Ҳосилдорлик, ц/га				
					2017 йил	2018 йил	2019 йил	ўртача	St навга нисбатан, %
Советский (st)	386,0	28,4	3,2×3,5	10,7	7,6	43,6	55,6	35,6	100
Авецина	306,3	28,2	3,9×3,7	8,7	7,3	37,2	41,9	28,8	80,9
Алишер	427,0	43,6	4,5×5,2	19,0	18,6	76,5	94,5	63,2	177,5
Буривестник	337,4	32,4	4,6×4,0	11,0	20,6	40,2	48,9	36,6	102,7
Вымпел	167,3	63,1	5,2×5,0	10,6	16,6	40,2	48,6	35,1	98,7
Гулистан	295,2	26,8	3,2×3,5	7,5	5,8	32,3	36,2	24,8	69,6
Краснощекий	270,6	52,6	4,1×5,3	13,9	6,9	61,6	70,5	46,3	130,1
Красный Партизан	278,8	45,0	4,2×5,1	13,0	11,6	52,9	56,6	40,4	113,4
Курсадык	340,0	41,1	3,8×3,6	13,4	15,6	53,9	64,6	44,7	125,6
Мароканд	182,5	35,6	4,5×4,4	6,5	8,6	26,3	30,3	21,7	61,0
Мулла Садык	301,0	41,3	3,7×3,7	11,9	15,3	44,2	59,6	39,7	111,5
Нурафшон	312,6	47,9	4,2×4,6	14,7	13,9	62,2	70,5	48,9	137,3
Руҳи Джуванон Миона	323,5	47,8	4,3×4,4	15,7	20,9	65,2	70,5	52,2	146,6
Салимий	294,8	23,2	2,2×3,4	6,9	7,6	28,6	32,3	22,8	64,1
Сарвари	275,5	46,1	4,5×4,7	12,9	12,3	51,2	65,6	43,0	120,9
Темурий	226,6	45,6	4,7×4,8	10,6	10,6	43,6	55,6	36,6	102,8
Шелечко	251,1	59,5	5,3×5,9	15,1	20,9	51,9	77,9	50,2	141,1
Ширпайванд	236,7	35,7	4,6×4,5	8,6	8,3	35,9	41,2	28,5	80,0
ЭКФ _{0,5}	12,5	1,4	0,1	0,4	0,4	1,6	1,9	1,3	-
Sx %	4,3	3,4	3,3	3,4	3,5	3,5	3,3	3,4	-

Маҳаллий ва интродукция қилинган 6-8 ёшли ўрик навларидан энг оғир мевани Вымпел нави, аксинча, вазни кичик Авецина, Гулистан ва Салимий навлари аниқланди. Шунингдек, энг йирик мева ўлчами Шелечко ва Вымпел ҳамда кичик мевани Салимий навида шаклланганлиги аниқланди. Маҳаллий ва интродукция қилинган 6-8 ёшли ўрик навларининг бир туп дарахтидан энг юқори ҳосилни Алишер, Руҳи Джуванон Миона ва Шелечко ҳамда энг кам

ҳосил Салимий ва Мароканд навларида бўлиб, энг юқори ҳосилдорлик Алишер, Руҳи Джуванон Миона, Шелечко, Нурафшон, Краснощекий навларида кузатилди. Аксинча, энг кам ҳосилдорлик Вымпел, Авецина, Ширпайванд, Гулистан, Салимий ва Мароканд навларида аниқланди.


Ўрик навларини етиштиришда энг юқори соф даромад ва рентабелликни 8-10 ёшли Моника Бланка (19,0 млн. сўм ва 147,1 %), Калони Кандак (15,5 млн. сўм ва 119,9 %), шунингдек, 6-8 ёшли Алишер (18,7 млн. сўм ва 144,1 %) ва Руҳи Джуванон Миона (13,2 млн. сўм ва 103,1 %) навларида бўлди.

Диссертациянинг «**Бир йиллик новдани кесишда ўрик навлари ҳосилдорлиги**» деб номланган тўртинчи бобининг “**Бир йиллик новдани кесишда ўрик навларининг биометрик кўрсаткичлари**” деб номланган параграфиди ўрик навларини бир йиллик новдаси кесилмаган (назорат) навларга нисбатан энг баланд дарахт ва танаси йўғон дарахт 8-10 ёшли дарахтларининг бир йиллик новдаси 45 см узунликда кесилганда – Субхоны Гигант (523,3 см); Моника Бланка (63,9 см) ва 15 см кесилганда – Исфарақ Бадамский (57,8 см) навларида, 6-8 ёшли дарахт новдасини 30 ва 15 см кесилганда – Ширпайванд (434,7 ва 96,7 см) навида бўлди. Кенг шох-шабба проекцияси ва ҳажмини ўрикнинг 8-10 ёшли дарахтларининг бир йиллик новдаси 15 ва 45 см кесилганда Наджими (13,7 м²); Юбилейный Навои (17,6 м²) Наджими ва Юбилейный Навои (49,2 ва 64,2 м³) навлари ҳамда 6-8 ёшли дархатлар новдасини 30 см кесилган Ширпайванд (15,4 м²) нави ва 15 см кесилган Салимий (7,6 м³) нави намоён қилди.

Энг катта барг сатҳи новдани 30 см кесилганда Шалах (70,0 см²) ва Красный Партизан (70,0 см²) навларида ҳамда 1 кг мевасига тўғри келувчи энг катта барг сатҳи 45 см кесилганда – Исфарақ Бадамский (4,4 м²) ва Красный Партизан (6,6 м²) навларида аниқланди.

“**Бир йиллик новдани кесишда ўрик навлари ҳосилдорлиги**” деб номланган параграфиди маҳаллий ва интродукция қилинган 8-10 ёшли ўрик навларнинг бир йиллик новдаси кесилмаган навларга нисбатан 30 см кесилганда Юбилейный Навои ҳамда 45 см кесилган Наджими навларида бир туп дарахтдан юқори ҳосил шакллантирган бўлса, аксинча, 30 см кесилганда Субхоны Заря ва 45 см кесилганда Субхоны Гигант, Исфарақ, Субхоны навлари кам ҳосил берди. Бироқ, ўрик новдалари 15 см кесилганда кесилмаган ушбу навларига нисбатан бир тупдаги ҳосил кам бўлганлиги маълум бўлди (2-расм).

Маҳаллий ва интродукция қилинган 8-10 ёшли ўрик навларнинг бир йиллик новдалари табиий усулда кесилмай етиштирилганда энг юқори ҳосилдорликни Моника Бланка ёки кам ҳосилдорликни Наджими нави намоён қилган бўлса, кесилмаган навларга нисбатан 30 см кесилганда Шалах, Исфарақ, Субхоны Гигант, Калони Кандак ва Моника Бланка навларида 36,9; 39,3; 36,1; 32,6 ва 30,9 % юқори ҳосилдорликка эришилганлиги аниқланди. Бироқ, новдани 15 см кесилганда кесилмаган ўрик навларига нисбатан бир майдон бирлигидан энг кам ҳосил Наджими ва Субхоны Заря навларида шаклланган бўлса, бошқа ўрик навларида ҳам кесилмаган навларга нисбатан кам ҳосилдорликни намоён қилганлиги аниқланди (3-жадвал).



2-расм. Бир йиллик новдани кесишда ўрик навларнинг бир туп дарахтдаги ҳосил (2017-2019 йй.) (2009 йилда экилган ўрик навлари)

3-жадвал

Бир йиллик новдани кесишда маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларнинг ҳосилдорлиги (2017-2019 йй.) (2009 йилда экилган ўрик навлари)

Навлар номи	Ҳосилдорлик						
	Кесилмаган (назорат)	Бир йиллик новдаларни кесиш узунлиги					
		15 см		30 см		45 см	
		ц/га	назоратга нисбатан, %	ц/га	назоратга нисбатан, %	ц/га	назоратга нисбатан, %
Субхоны	52,9	38,8	73,3	67,9	128,4	51,7	97,7
Моника Бланка	64,0	56,8	88,8	83,8	130,9	67,2	105,0
Шалах	52,8	46,1	87,3	72,3	136,9	54,9	104,0
Исфарақ	52,4	37,8	72,1	73,0	139,3	50,8	96,9
Субхоны Заря	39,5	22,6	57,2	39,1	99,0	65,7	166,3
Субхоны Гигант	53,7	40,0	74,5	73,1	136,1	48,4	90,1
Наджими	34,5	21,4	62,0	54,2	157,1	66,3	192,2
Исфарақ Бадамский	52,4	35,0	66,8	69,7	133,0	53,7	102,5
Калони Кандақ	56,7	40,9	72,1	75,2	132,6	61,0	107,6
Юбилейный Навои	39,5	35,6	90,1	67,8	171,6	52,0	131,6
ЭКФ _{0,5}	1,9	1,7	-	2,4	-	2,3	-
Sx %	3,7	4,4	-	3,6	-	4,0	-

Маҳаллий ва интродукция қилинган 6-8 ёшли ўрик навлари новдаси 15 см кесилганда Мулла Садык навида ушбу нави кесилмаганига нисбатан – 13,3 кг, 30 см кесилганда Алишер навида – 8,0 кг, 45 см кесилганда Шелечко навида – 2,0 кг юқори ҳосил берди. Бир йиллик новдаси кесилмаганда Мароканд навида – 6,5 кг ҳосил берган бўлса, бир йиллик новдаси 15 ва 45 см узунликда кесилганда Мароканд навида (3,3 ва 5,5 кг) новдаси кесилмаган навида нисбатан – 3,2 кг (50,8 %) ва 1,0 кг (84,6 %) ҳосил кам бўлди (4-жадвал).

Ўрик навларининг бир йиллик новдаси кесилмай етиштирилганда энг юқори ҳосилдорлик Алишер (63,3 ц/га) нави ва Мароканд (21,8 ц/га) навида кам ҳосилдорлик бўлган бўлса, 30 см кесилганда Алишер (89,8 ц/га), Руҳи Джуванон Миона (73,9 ц/га), Буривестник (72,6 ц/га) ва Вымпел (70,3 ц/га) навларида, новдаси 15 см кесилганда, кесилмаган ўрик навларига нисбатан бир майдон бирлигидан энг кам ҳосил Мароканд (10,9 ц/га), Ширпайванд (11,3 ц/га) ва Гулистан (11,4 ц/га) навларида шаклланган бўлса, бошқа ўрик навларида ҳам кесилмаган навларга нисбатан энг кам ҳосилдорликни намоён қилди.

**Бир йиллик новдани кесишда маҳаллий ва интродукция қилинган ўрик навларининг
хосилдорлиги (2017-2019 йй.) (2011 йилда экилган ўрик навлари)**

Навлар номи	Бир тупдаги ҳосил, кг				Ҳосилдорлик						
	Бир йиллик новдаларни кесиш узунлиги										
	Кесилмаган (назорат)	15 см	30 см	45 см	Кесилмаган (назорат)	15 см		30 см		45 см	
ц/га						назоратга нисбатан, %	ц/га	назоратга нисбатан, %	ц/га	назоратга нисбатан, %	
Советский	10,7	6,7	14,7	10,4	35,6	22,4	62,9	48,9	137,4	34,5	96,9
Авечина	8,7	4,0	9,6	6,5	28,9	13,4	46,4	31,8	110,0	21,7	75,1
Алишер	19,0	15,6	27,0	17,8	63,3	51,8	81,8	89,8	141,9	59,2	93,5
Буривестник	11,0	6,3	21,8	8,3	36,6	21,1	57,7	72,6	198,4	27,6	75,4
Вымпел	10,6	7,2	21,1	14,3	35,2	24,0	68,2	70,3	199,7	47,7	135,5
Гулистан	7,5	3,4	8,0	15,1	24,9	11,4	45,8	26,8	107,6	50,4	202,4
Краснощекий	13,9	9,0	19,6	11,9	46,4	30,0	64,7	65,3	140,7	39,6	85,3
Красный Партизан	13,0	7,5	18,0	10,3	43,4	25,0	57,6	59,8	137,8	34,3	79,0
Курсадык	13,4	7,2	18,3	10,3	44,7	23,9	53,5	61,0	136,5	34,2	76,5
Мароканд	6,5	3,3	6,9	5,5	21,8	10,9	50,0	23,1	106,0	18,2	83,5
Мулла Садык	11,9	25,2	20,2	11,0	39,7	83,9	211,3	67,3	169,5	36,7	92,4
Нурафшон	14,7	8,6	10,0	12,9	49,0	28,6	58,4	33,4	68,2	43,1	88,0
Руҳи Джуванон Миона	15,7	7,8	22,2	7,6	52,3	26,0	49,7	73,9	141,3	25,3	48,4
Салимий	6,9	3,9	8,0	8,0	22,9	13,0	56,8	26,6	116,2	26,6	116,2
Сарвари	12,3	6,1	19,0	9,7	41,0	20,2	49,3	63,4	154,6	32,2	78,5
Темурий	10,7	6,4	12,7	9,9	35,7	21,4	59,9	42,3	118,5	32,9	92,2
Шелечко	17,1	8,6	19,5	19,1	56,9	28,5	50,1	64,8	113,9	63,7	112,0
Ширпайванд	8,6	3,4	14,1	7,0	28,5	11,3	39,6	47,0	164,9	23,2	81,4
ЭКФ _{0,5}	0,4	0,4	0,6	0,4	1,3	1,3	-	1,9	-	1,4	-
Sx %	3,8	4,9	3,5	3,6	3,3	4,9	-	3,5	-	3,5	-

Ўрик навларининг бир йиллик новдаси 30 см узунликда кесиб етиштирилганда энг юқори соф даромад ва рентабеллик 10 ёшли Моника Бланка (25,9 млн. сўм ва 162,3 %), Калони Кандак (21,7 млн. сўм ва 136,4 %), Субхоны Гигант (20,7 млн. сўм ва 130,1 %), шунингдек, 6-8 ёшли Алишер (28,9 млн. сўм ва 180,2 %), Руҳи Джуванон Миона (21,1 млн. сўм ва 132,5 %), Буривестник (20,3 млн. сўм ва 127,7 %) навларида аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Вегетация даври узоқ давом этган Моника Бланка навида 283 кун – 5761,6°С да, Нурафшон ва Гулистан навларида 276-272 кун – 5679,3°С да, ҳамда Советский (st), ва Алишер навлари 261-255 кунда – 5555,3°С фойдали ҳарорат йиғиндисиди тиним даврига ўтганлиги кузатилди.

2. Дарахт баландлиги кучли ўсувчи Исфарақ Бадамский ва Исфарақ навларида (519,3 ва 497 см), паст бўйли Субхоны Заря навида 236,3 см. Шохшабба ҳажми кенг – Исфарақ Бадамский 77,8 м³ ҳамда ихчам ҳажмли – Руҳи Джуванон Миона 13,3 м³ ҳамда новдаси 30-45 см кесилганда Субхоны Заря (4,9-6,3 м³) ва Мароканд (2,9-2,5 м³) шаклланганлиги аниқланди.

3. Дарахтларнинг сербарглиги Исфарақ Бадамский навида 16,5 минг дона бўлса, бир йиллик новдаси 45 см узунликда кесилганда 11,5 минг дона бўлиб, кам барглиликни Темурий ва Салимий (4,2 ва 4,3 минг дона) бўлса, новдаси 15 см кесилганда Темурий ва Салимий 2,5 минг донагача аниқланди.

4. Энг йирик барг сатҳи Шалах ва Красный Партизан навларида (67,0 ва 65,7 см²), новдаси 30 см кесилганда эса (70,0 см²) бўлса, барг сатҳи кичик Мулла Садык ва Алишер навлари (20,0 ва 23,3 см²) бўлиб, 1 кг мевага тўғри келувчи йирик барг сатҳи – Моника Бланка ва Шалах, (14,1 ва 12,2 м²) эканлиги аниқланди.

5. Баргдаги сув миқдори энг кўп Шелечко ва Сарвари навларида (1,04 ва 0,99 г) бўлиб, Советский (st) навининг сув миқдори (0,83 г) нисбатан, 0,21 ва 0,16 г юқори бўлган. Аксинча, Нурафшон, Алишер ва Мулла Садык навларида сув миқдори кам (0,81; 0,76 ва 0,73 г) бўлиб, қрғоқчиликка нисбатан чидамли эканлиги аниқланди.

6. Лаборатория шароитида -15-35°С гача ҳароратларда куртақларининг зарарланиши ўрганилганда -30°С Шалах, Субхоны Гигант ва Моника Бланка навларида (1,0; 1,1 ва 2,1 %) бўлиб, -35°С ҳароратда эса Субхоны Гигант, Шалах, ва Моника Бланка, навларида (1,1; 1,5 ва 1,7 %) зарарланганлиги кузатилди. Наджими, Юбилейный Навои ва Субхоны Заря навларида -35°С ҳароратда ҳам зарарланмай нисбатан совуққа чидамлилигини намоён қилди.

7. Мева вазни юқори (41-60 г) Вымпел, Шелечко ва Шалах навларида (63,1; 59,5 ва 54,0 г), новдаси 30 см кесилганда Нурафшон, Вымпел ва Алишер, (57,8; 57,0 ва 56,4 г), шунингдек таркибида қанд миқдори юқори Нурафшон, Красный Партизан ва Сарвари навларида (19,3; 18,7; 18,4 %) аниқланди.

8. Майдон бирлигидан ўрикнинг Моника Бланка, Алишер, Калони Кандак навлари ва Рухи Джуванон Миона (64,0; 63,2; 56,7 ва 52,2 ц/га), ҳамда бир йиллик новдасини 30 см узунликдан кесилганда тегишли тартибда (89,8; 83,8; 75,2 ва 73,9 ц/га) юқори ҳосилдорликка эришилган.

9. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича Моника Бланка (19,0 млн. сўм; 147,1 %), Алишер навларида (18,7 млн. сўм; 144,1 %) ва Рухи Джуванон Миона (13,2 млн. сўм; 103,1 %) бўлган бўлса, бир йиллик новдаси 30 см узунликдан кесилганда Алишер (28,9 млн. сўм; 180,2 %) ва Моника Бланка (25,9 млн. сўм; 162,3 %) ҳамда Рухи Джуванон Миона (21,1 млн. сўм; 132,5 %) юқори соф даромад ва рентабелликка эришилган.

10. Қашқадарё вилояти шароитида: тоғ ва тоғолди ҳудудларда ўрикзорлар барпо қилишда “Моника Бланка”, “Калони Кандак”, “Субхоны Гигант” ва “Алишер” навларидан фойдаланишни; чўл ҳудудларда ўрикзорлар барпо қилишда “Наджими”, “Субхоны Заря” ва “Сарвари” навларидан фойдаланишни;

саноат плантацияларини барпо қилишда “Ширпайванд”, “Авецина”, “Красный Партизан” навларидан фойдаланишни;

меваларини экспорт қилишда “Шалах”, “Шелечко”, “Красношекие” навларидан фойдаланишни;

қуритишда “Исфарақ Бадамский”, “Нурафшон”, “Мулла Садык” ҳамда қайта ишлашда “Темурий”, “Буривестник”, “Исфарақ” ва “Мароканд” навларидан фойдаланишни;

ўрик навларини буташ ҳамда бир йиллик новдаларини тартибли кесишда кучли шохланувчи навларда 30 см ва кучсиз ўсувчи ва шохланувчи навларда 45 см узунликда кесишни тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПОД НОМЕРОМ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САДОВОДСТВА,
ВИНОГРАДАРСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМЕНИ. АКАДЕМИКА
МАХМУДА МИРЗАЕВА**

КАРШИЕВ АЛИШЕР ЭСАНОВИЧ

**ПОДБОР МЕСТНЫХ И ИНТРОДУЦИРОВАННЫХ СОРТОВ АБРИКОСА
В УСЛОВИЯХ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ВЛИЯНИЕ
ОБРЕЗКИ НА УРОЖАЙНОСТЬ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2023.4.PhD/Qx456.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия им. академика Махмуд Мирзаева.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).


Научный руководитель:	Саимназаров Юлдаш Бекмирзаевич, доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Султонов Комолитдин Садриддинович доктор сельскохозяйственных наук, профессор Жураев Эркин Бахтиярович доктор философии сельскохозяйственных наук (PhD), доцент
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится 5 декабря 2023 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, I-этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 549255). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 23 ноября 2023 года.
(реестр протокола рассылки №73 от 24 октября 2023 года).




Э.Т.Бердиев,
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор.


М.З.Холмуратов,
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н. (PhD), доцент.


С.А.Юнусов,
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Роль аграрного сектора в обеспечении продовольственной безопасности в мире возрастает с каждым днем. Среди фруктов особое значение имеют абрикос, из него готовят многие виды обработанных и сушеных пищевых продуктов. «Производство абрикоса в мире составляет 3,9 млн. тонн, Турция (730 тыс. т), Узбекистан (662,1 тыс. т), Иран (306,1 тыс. т), Алжир (256,8 тыс. т), Италия (237,0 тыс. т), Пакистан (177,7 тыс. т), Испания (125,3 тыс. т), Франция (110,8 тыс. т), Египет (102,3 тыс. т) и Япония (92,7 тыс. т) являются странами-лидерами¹. Для срочного и необходимого удовлетворения потребности населения мира в абрикосовой продукции, необходимо увеличивать объемы экспорта, подобрать урожайные, перспективные и качественные сорта.

В мире, в Турции, Иране, Японии, России, Украине и странах Европы проводятся научные исследования по совершенствованию технологии селекции и выращивания высокоурожайных, качественных сортов, расширению ассортимента дополнительной продукции за счет переработки и сушки абрикоса, а также повышение их пищевой ценности. Также актуальными считаются исследования по повышению продуктивности абрикосовых деревьев и продлению периода продуктивности.

В нашей стране проведены исследования по селекции и разработке технологий выращивания сортов абрикоса достигнуты определенные результаты. Однако в условиях Кашкадарьинской области исследований по подбору местных и интродуцированных сортов абрикоса и влиянию обрезки на урожайность не проводилось. В стратегии развития Республики Узбекистан на период 2022-2026 годов указано, что «За счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе должны быть увеличены доходы дехкан и фермеров не менее чем в 2 раза, ежегодный рост сельского хозяйства должен составить не менее 5%, особенно к 2026 году объем продовольственной продукции должен составить 7,4 млн тонн, повысить уровень переработки плодоовощной продукции до 28%»². В связи с этим расширение ассортимента сортов абрикоса, селекция высокоурожайных сортов, совершенствование некоторых агротехнологических элементов при выращивании высококачественных плодов является актуальным научным направлением в нашей республике.

Постановления Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и ПФ-5388 от 29 марта 2018 года «О дополнительных мерах по опережающему развитию плодоовощного производства в Республике Узбекистан» и 2019 год, ПФ-4246 от 20 марта 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию садоводства и тепличного хозяйства в Узбекистане», ПФ-4549 от 11 декабря 2019 года «О дальнейшем развитии сети

¹ FAOSTAT

² <https://lex.uz/uz/pdfs/5841077>

плодоовощного и виноградарства, дополнительных мерах по созданию цепочки добавленной стоимости в отрасли» служат выполнению вышеуказанных задач.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В.М.Азма, S.Bartolini (США) по созданию сортов абрикоса в зарубежных странах, D.Bassi, L.Conte (США) по изучению морфо-биологических и ценных хозяйственных признаков и К.Дай, Х.Фан, V.M.Gorina (США) по совершенствованию технологии возделывания, а также Г.С.Есаян (Ереван), П.Р.Арзуманян, С.Л.Агулян, А.С.Мелконян, В.М.Микаэлян, В.К.Смикова (Молдова), Ш.А.Хабибуллин (Казахстан), А.Н.Веньяминов, проведены научно-исследовательские работы Л.А.Долматова, Н.В.Ковалев, К.Г.Никишин, Р.Г.Ноздрачева, Л.А.Крамаренко, Ф.М.Гасымов (Россия), А.Пулатов, В.В.Кузнецов (Таджикистан).

При создании местного сорта абрикоса в Узбекистане К.В. Васильев, Л.А.Протасевич, К.Ф.Костина, исследования по технологии селекции и выращивания сортов В.В.Кузнецов, Н.В.Ковалёв, А.С.Череватенко, М.Е.Эргашев, З.Т.Туракулов, О.К.Афанасьев, М.М.Мирзаев и К.И.Байметов проводили научные исследования.

